2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

32 (634)

2008 йил 6 август

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Маҳорат майдонда синалади
- Обсерватория коинотга йўл очади

3
- Оғу сотиб қайғу топганлар
- Ўрол бахши дўмбира чертса...

4
- Мулойим киши ҳолвафурушга ўхшайдими?..
- Қилич дўхтир ҳийла қилди...

Истиқлол — эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ САЙЁҲЛАР НИГОҲИДА

Юртдошларимиз ва мамлакатимиз меҳмонларининг Мустақиллик майдонини зиёрат қилишида катта рамзий маъно бор. Зеро, бу майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат - истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга берган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу муаззам майдон тимсолида нафақат тасаввур қиламиз, балки юракдан астойдил ҳис этамиз.

Мустақиллик майдонидан хорижлик сайёҳларнинг қадами узилмайди. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

Мауро ДЕСТИЖИ (Испания):

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Саёҳатим ниҳоятда мазмунли ўтмоқда. Сафарим давомида қадимий шаҳарларингиз — Самарқанд, Хива ва Тошкентдаги кўплаб диққатга сазовор жойларни кўриш бахтига муяссар бўлдим. Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман. Ойнаи жаҳон орқали юртингиз манзараларини томоша қилгач, менда бу ерга келиш иштиёқи пайдо бўлган эди.

Тошкентдаги Мустақиллик майдонининг гўзаллиги ва тароватини таърифлашга сўз ожиз. Мазкур майдон, Мустақиллик ва эзгулик монументи, бинолар ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан мамлакатингизнинг улкан кучқудрати ва салоҳиятидан далолат бериб турибди. Улар халқингизнинг ғурур ифтихорини янада юксалтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Динеш СИНГХ (Хиндистон):

— Ўтган йили Самарқандда ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида меҳмон сифатида иштирок этгандим. Ўшанда тилларда достон қадимий Самарқандниг гўзал ва бетакрор гўшаларини томоша қилиб, ҳайратга тушган эдим. Бу safar Тошкентга келиб, қадимий ва навқирон пойтахтингизнинг таровати, хушманзара табиати, файзли ва сўлим боғларини кўздан кечириш имконига эга бўляпман. Мамлакатингизда келаси йили дунё илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда Шарқ дарвозаси деб эътироф этилган азим Тошкентнинг 2200 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бунга ёрқин мисолдир.

Пойтахтингиз, айниқса, Мустақиллик майдони ҳар қандай кишини лол қолдиради. Ям-яшил майдон ва мўъжизакор бинолар кишида эзгу ҳислар ва ҳавас уйғотади. Мустақиллик ва эзгулик монументи, Бахтиёр она ҳайкали мамлакатингиздаги тинчлик, барқарорлик ва бахтиёрлик, буюк келажакка бўлган қатъий ишонч тимсолидир.

Арслан ДУРГЕЛ (Туркия):

— Тошкентга беш йил аввал келган ва бу ерга яна келишни ният қилган эдим. Қисқа фурсат ичида шаҳрингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашибди. Довруғи тилларда достон қадимий Шошнинг кенг ва озода, файзли кўчалари, ям-яшил боғларида сайр қилиб, олам-олам завқ оласан киши.

Мен Ўзбекистоннинг кўплаб жойларида бўлганман. Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухоро каби шаҳарларингиздаги бетакрор меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ва маданий ёдгорликлар кишида унутилмас таассурот қолдиради. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, ширинсуханлиги, бағрикенг ва меҳроқибатлилиги мени мафтун этган. Ўзбекистонда ўзимни доимо хотиржам ва бахтиёр ҳис этаман. Ушбу ажиб ва муқаддас диёрга қайта-қайта келгим келаверади.

Ҳасан АБУРАҲАБ (Миср):

— Ўзбекистон — Аллоҳ назари тушган юрт. Бундай юртнинг ҳаёт тарзи тинч, осойишта, хонадонлари файзли, дастурхонлари тўкин, инсонлари бағрикенг бўлади. Халқингиз мустақилликка эришгач, мамлакатингизда қисқа давр ичида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўлдим. Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада кўркамлашибди. Буни Мустақиллик майдони мисолида ҳам кўриш мумкин. Истиқлолингиз рамзи бўлмиш ушбу муаззам майдон пойтахтингиздаги энг гавжум ва энг серфайз масканлардан биридир. Мустақиллик ва эзгулик монументида ўзбек халқининг қалб қўридаги эзгу орзу-ниятлари ўз ифодасини топган. Жаннатмонанд Ўзбекистоннинг самимий, меҳмондўст, бағрикенг ва меҳридарё халқига ҳавас қилса арзийди.

Бу юртда яшаб, ижод қилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломалар дунё илм-фанининг ҳамда ислом маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Тошкент — ҳар томонлама ривож топган гўзал шаҳардир. Шу боис ISESCO томонидан Тошкент 2007 йили ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, халқингиз аждодлардан қолган бой меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ва авлодларга етказиш борасида амалга ошираётган эзгу ишлари туфайли ҳам бугун Ўзбекистон изчил ривожланмоқда. Ушбу муқаддас замин келгусида янада тараққий этишига шубҳа йўқ.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Қашқадарё вилояти

Ислоҳотлар самараси

ВОҲА ИШБИЛАРМОНЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

хитойлик саноатчилар билан ҳамкорлик натижасида қўлга киритилмоқда

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилояти бошқармасининг Хитойдаги ваколатхонаси тадбиркорлардан тушаётган буюртмаларни таснифлаш, ҳамкорлар ўртасида музокаралар уюштириш, юкларнинг жўнатилишини назорат қилиш билан шуғулланади. Кейинги бир йил мобайнида бошқарма ҳамда Урумчи, Пекин, Шанхай шаҳарларида фаолият кўрсатувчи компаниялар томонидан имзоланган шартномаларнинг умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларидан ортиб кетди.

Китоб туманидаги «Рислинг стар» масъулияти чекланган жамияти Шанхайдаги нуфузли компаниядан соатига 9 минг дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводни сотиб олди. Айни пайтда монтаж ишлари якунланмоқда. Мазкур заводни жорий йилнинг сентябрь ойида ишга тушириш режалаштирилган. Бундан ташқари, соатига 50 тонна тошни майдалаб, шебень ишлаб чиқаришга мўлжалланган линия ҳамда 12 тонна юк кўтаришга қодир автокран ҳам олиб келинди. Бир сўз билан айтганда, жамият томонидан келтирилган технологик жиҳозларнинг умумий қиймати 286,5 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Қувонарли томони шундаки, эндиликда юртимиз ишбилармонлари шу ердан туриб, хорижий компания ва фирмалар билан мулоқотга киришмоқдалар. «Рислинг стар» масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари ҳам даставвал хитойлик саноатчилар билан боғланиб, жиҳозларнинг техник кўрсаткичлари, нарх-навоси бўйича зарур маълумотларни олишгач, амалий ишларга киришишди.

Вилоятга кейинги бир ярим йил мобайнида тўртта ғишт ишлаб чиқарувчи юқори технологик линия келтириб ўрнатилди. Яккабоғ туманидаги «Буюк Турон Чинор» корхонасига қарашли завод жорий йилнинг март ойидан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. «Яккабоғ-85» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли завод эса яқин кунларда иш бошлайди. Қарши шаҳридаги «Сопол қувурлари заводи» масъулияти чекланган жамиятида ҳам соатига 12 минг дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган линия монтаж қилинмоқда. Қарши шаҳридаги «Электр-қурилиш-таъмир», Китоб туманидаги «Хайрабод сервис», Ғузор ва Яккабоғ туманларида фаолият юритаётган яна бир нечта корхоналар ҳам жорий йил охирига қадар 12 та ғишт заводи олиб келиб, ўрнатишни режалаштирган.

Қашқадарёлик ишбилармонлар юртимизга иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантириш учун хизмат қилувчи замонавий технологияларни олиб келишяпти. Хусусан, Чироқчи туманидаги «Коинот ёрқин юлдузи» фирмасининг раҳбари, ёш тадбиркор Шуҳрат Ҳасанов Хитойдан замонавий асбоб-ускуналар келтириб, автосервис хизматини йўлга қўйди. Энди бу ерда нафақат енгил автомашиналарга, балки «УАЗ» ва янги «Chevrolet» русумидаги уловларга ҳам сифатли сервис хизмати кўрсатиляпти. Илгари оддийгина хизмат учун қўшни вилоятларга қатнашга мажбур бўлган автоулов эгалари эса узоқлари яқин бўлганидан мамнун.

Шунингдек, Қарши шаҳридаги «Ясин сервис» масъулияти чекланган жамияти кийимларни кимёвий усулда тозалаш линиясини, «Photo Express» корхонаси реклама ишлаб чиқариш ускуналари, иссиқ пресс ва офсет машинасини, Шаҳрисабз туманидаги «Автойўл» корхонаси тошни майдалаб, шебень ишлаб чиқариш учун мўлжалланган замонавий технологияларни келтириб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Қурбон ЭҒАМБЕРДИЕВ, «Mahalla» мухбири.

Навоий вилояти

СПОРТЧИ ОИЛАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мамлакатимизда ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида оммавий спорт турларини ривожлантириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини янада кенгроқ тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада турли танловлар, беллашувлар, спорт мусобақалари ўтказиб келинаётгани катта аҳамиятга эга.

Навоий шаҳрида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш, "Маҳалла", «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг вилоят бўлимлари ташаббуси билан «Ўзбекистон аёллари ва ёшлари гиёҳвандликка қарши» шиори остида ўтказилган "Соғлом оила" спорт мусобақалари якунига етди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 14 жамоа таркибида 56 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақа иштирокчилари спортнинг 60 метрга югуриш, узунликка сакраш, арқон тортиш, 30 метрга югуриш, тош кўтариш, белда халқа айлантириш, теннис тўпини саватга тушириш сингари турлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

Муросасиз кечган беллашувлар якунига кўра фарғоналик Содиқжон Деҳқонов оиласи ғолибликни қўлга киритди. Навоийлик Улуғбек Яллаев ҳамда сурхондарёлик Баҳодир Муродов оилалари кейинги ўринларга сазовор бўлди.

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири.

ЙЎЛИНГ РАВОН — КЎНГЛИНГ НУРАФШОН

Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида коммуникация ва транспорт тармоқларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароит яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқиш имконини берадиган транспорт ҳамда телекоммуникация инфратузилмасининг янгиланиши давлатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Магистрал йўллар қуриш, хорижий давлатлар билан транспорт алоқаларини яхшилаш, соҳага янги техника ва технологияларни жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Замонавий қурилиш машина-механизм ва бошқа техника воситаларидан унумли фойдаланаётган йўлсозларимиз қисқа муддатларда йирик йўл ўтказгичлар, кўприклар, кўпқаторли транспорт ҳаракатига мўлжалланган халқаро стандартларга мос автотрассалар қуришни фаол ўзлаштирди. Натижада тармоқда меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошиб, автомобилларнинг хавф-хатарсиз ҳаракати йўлга қўйилди.

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси — "Ўзавтойўл"нинг бошқарма бошлиғи Зарифулла Хўжановнинг айтишича, мамлакатимизда истиқлол йилларида янги қурилган ва реконструкция қилинган йўлларнинг умумий узунлиги уч минг икки юз километрдан ошган. Ҳар йили ўртача 220 километр йўл янгидан қурилмоқда ва реконструкция қилинмоқда, 400-450 километри тўла, 1500 километрга яқини ўртача таъмирдан чиқарилмоқда. Автомобиль йўлларини такомиллаштириш орқали йўлларнинг қуйи техник тоифадан юқори техник тоифага ўтказилиши транспорт оқимига хизмат кўрсатиш даражасини муттасил оширмоқда.

Юртимизда техник жиҳатдан халқаро андозалар даражасидаги кенг ва равон йўллар, йўл ўтказгичлар, маҳобатли кўприк ҳамда транспорт боғламаларининг кўпайиб бораётгани ҳайдовчи ва йўловчилар учун янги қулайликлар туғдириб, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Йўловчиларнинг вақти, маблағи, халқ хўжалигида юк ташиш харажатлари тежалмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган "Тошкент-Фарғона" йўлининг Қамчиқ ва Резак довонларидан ўтган тоннеллар бугунги кунда ўзининг мислсиз самараларини бераётгани бунга ёрқин мисолдир.

Илгари мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан Фарғона водийсига борадиган транспорт оқими пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали ўтар эди. Тошкент Катта халқа йўлининг тўлиқ ишга туширилиши бунга — ортиқча ташвиш ва муаммоларга барҳам берди. Бошқача айтганда, "Алмати—Бишкек—Тошкент—Термиз", "Тошкент-Душанбе", "Тошкент-Ўш" халқаро автомобиль йўллари туташтирилди.

Амударёда бунёд этилган поезд ва автомобиллар қатнайдиган улкан кўприк Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун жуда кенг қулайликлар яратди.

Буларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан тармоқ ривожи йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардандир. Бунинг замирида бунёдкор халқимизнинг, хусусан, йўлсозу кўприксозларнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги, азму шижоати ва машаққатли меҳнати мужассам.

(Давоми 2-саҳифада)

Фарғона вилояти

Халқимизнинг хайрли удумларидан бири ҳашардир. Айнан шу удум орқали одамлар ўртасида меҳр-оқибат жонланиб, хайр-саховат амаллари рўёбга чиқади, эл-юрт обод, турмушимиз фаровон бўлади.

ҒАЙРАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ҲАМШАҲАРЛАР!

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида шаҳримизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари яқин келажакда вилоятимиз марказининг янада обод ва кўркам, замонавий қиёфага эга бўлишидан дарак бермоқда.

Айни кунларда бунёдкорлик объектларида ишлар қизғин паллага кирган. Айниқса, Фарғона шаҳри марказидаги собиқ "Гул бозори" ҳудудидаги ишлар кўлами салмоқли бўлаётир. Бу ерда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари масъул ходимларидан тортиб турли корхона ва ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари, мутахассислари, ишчи-хизматчилар, қўйингки, шаҳримиз ободончилигига ўз ҳиссасини қўшишдек эзгу мақсадни қалбига жо қилган серғайрат ҳашарчиларнинг қўли қўлига тегмайди.

Кези келганда, "Фарғонаазот" очиқ акциядорлик жамияти, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, "Саноаткурилишмонтаж", "Автоойна" корхоналари, "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг вилоят ва шаҳар филиаллари, "Иссиқлик электр маркази", магистрал электр тармоқлари корхонаси, фуран бирикмалари кимё заводи, шу ҳудудда жойлашган "Болажон" қаҳвахонаси ишчи-ходимларидан иборат ҳашарчилар номига ҳар қанча таҳсинлар айтсак арзийди. Улар томонидан ҳозиргача 450 миллион сўмликдан ортиқ бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Шу кунларда мазкур ҳудудни ва унинг чиройига чирой қўшувчи фавворалари узлуксиз сув билан таъминлаш мақсадида бурғуланаётган янги қудуқни фойдаланишга топшириш ишлари якунланиш арафасида. Шу мақсадда 32 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, ҳар бири 380 миллион сўмлик бўлган иккита фаввора бунёд этилди. Бир вақтнинг ўзида ушбу ҳудуд йўлакларига плиталар ётқизиш ҳамда гулзорлар барпо этиш, шунингдек, кўплаб манзарали дарахтлар ўтқазиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Фарғоналикларнинг ободончилик ишларидаги бирдамликлари улуғвор мақсадларимизни рўёбга чиқаришда қайси соҳа ёки жабҳада меҳнат қилишидан қатъи назар, барча юртдошларимизнинг бир тан ва бир жон бўлиб кўрсатаётган шижоати намунасидир.

Алижон МИРЗАБОЕВ

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Бугунги равон кўчаларимизда қанча йўл боссангиз ҳам чарчамайсиз-да...

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Қабулхона — 236-53-93

Тел/Факс: — 233-44-25

Масъул котиб: 236-53-75

Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Жиззах вилояти

Зафаробод туманида анъанавий «Маҳалла куни» тадбирлари доирасида «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда тумандаги Зарафшон шаҳарчаси фуқаролар йиғини ташаббуси билан «Ён қўшним — жон қўшним» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳарча таркибидаги Қурувчилар, Бўстон, Самарқанд, Саноатчилар маҳалласилик ўзаро аҳиллиқда турмуш кечираётган қўни-қўшнилар беллашишди.

«МАҲАЛЛА КУНИ»да ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВ

Танловда Саноатчилар маҳалласилик Шоҳида Мавлонова, Бўстон маҳалласилик Зуҳра Нурмонова ғолиб бўлди. Ғолибларга «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси, Зафаробод шаҳарчаси фуқаролар йиғини ҳамда ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

«Маҳалла куни» тадбирлари тумандаги Чимқўрғон, Ҳулкар ҳамда С.Синдиров номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида ҳам ўтказилди. Тадбирда олимлар, шоирлар ҳамда тиббиёт ходимлари иштирок этишди. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

САМАРҚАНДга САЁҲАТ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан бир гуруҳ Фарғона ва Андижон вилояти нуронийлари кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандга сафар қилдилар.

Кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш мақсадида «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан ташкил қилинган мазкур саёҳатга юз нафардан зиёд меҳнат фахрийлари жалб этилди. Улар Регистон, Шоҳи-Зинда мажмуалари, Бибихоним масжиди, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи сингари муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдилар, сўнгги йилларда қурилган замонавий бино ва иншоотларни кўздан кечирдилар. Айниқса, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан бунёд этилган янги илм масканлари, хиёбонлар, равон йўллар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

— Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, янгилик ва ўзгаришларни кўриб, мустақилликнинг қадри ва аҳамиятини янада чуқурроқ ҳис қилдик, — дейди Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Қ.Саидов орзуси» фермер хўжалиги раҳбари Қирғизбой Саидов. — Самарқанд нафақат тарихий обидалари, балки замонавий бинолари, ўхшаши йўқ фавворалари, боғ ва хиёбонлари билан ҳам дунёга машҳурдир. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи ислом оламидаги йирик зиёратгоҳлардан бирига айлангани қалбимизга чексиз ғурур бағишлайди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

Наманган вилояти

САДАЧАнинг СЎЛИМ ГУЗАРИ

маҳалла кўркига кўрк қўшиб турибди

Гуллар шаҳри дея таъриф олган Наманган кейинги йилларда тобора кўркамлашиб, замонавий қиёфа касб этиб бормоқда. Тарихий обидаларга уйғун, миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад кўтараётган иншоотлар шаҳарга ўзгача файз бағишламоқда. Энг асосийси, бунёдкорлик ва ободончилик ишлари нафақат вилоят марказида, балки чекка туман ва қишлоқларда ҳам амалга оширилянпти. Вилоят аҳли юртимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрамини кўтаринки кайфият ва меҳнатдаги ютуқлари билан кутиб олишга аҳд қилган.

Маҳалла ободлигига энг аввало унинг гузарига қараб баҳо берилади. Дарҳақиқат, гузар аҳолининг узоғини яқин қилиш билан бирга, маърифий-маданий тадбирлар ўтказиладиган маскан ҳамдир. Ҳозирги кунда вилоятдаги шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида 53 та замонавий гузар фаолият кўрсатмоқда. Янгиқўрғон туманининг Фурқат номидаги, Косонсой туманидаги Олмазор, Тўрақўрғон туманидаги Хўжаобод, Поп туманидаги Ғўрумсарой маҳалла йиғинлари қошидаги гузарларда аҳоли учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Жорий йилда гузарли йиғинлар қаторига Садача маҳалласи ҳам қўшилди. Дўстлик маҳалласида бунёд этилаётган гузар эса мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Аҳолини иш билан таъминлаш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришда кичик корхона ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ўрни катта. Дамбоғ маҳалласи ҳудудида хусусий тадбиркор А.Ҳожимирзаев косибчилик цехини очган эди. Табиий чармдан тайёрланиб, «Дамбоғ» белгиси туширилган сифатли пойабзаллар тез орада ўз харидорларини топди. Меҳнати самарасини кўрган тадбиркор фаолиятини янада кенгайтириб, тикувчилик цехи ташкил этди, маҳалладошларига алоқа хизмати кўрсатишни йўлга қўйди.

Чуст туманидаги Гулистон маҳалласида жойлашган Қурвонбой Боқиев бошчилигидаги «Зебо» масъулияти чекланган жамиятида пластмасса чиқиндилари ва оддий қум аралашмасидан том учун қопламалар ишлаб чиқарилмоқда. Чортоқлик Камолхон Абдуллаевнинг тикувчилик цехида тайёрланаётган эркаклар кийимларига эса водий бозорларида талаб катта.

Вилоятда касаначиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни уй меҳнати билан шуғулланаётганлар сони кундан кун ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Аҳоли бандлигини ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ўтган йили вилоятда 11 та янги қўшма ва хорижий корхона иш бошлади. «Мега текстил», «Голден силк», «Хелим силк», «Тошбулоқ текст», «Муштарий интернейшнл», «Барака стекс» каби корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар хориж мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
«Mahalla» мухбири.

Сиёсий партия ва фуқаролар йиғини:

ҲАМКОРЛИК ШАРТИ — МАНФААТЛАР ТЕНГЛИГИ

«Маҳалла» сўзини эшитган ҳар бир юртдошимиз бир сўз билан ифода этилса-да, мазмун-моҳияти жуда теран, миллий анъаналар ва қадриятларга таянган, халқчил жамоа бошқарувини тушунади. Сабаби, маҳалла асрлар оша яшаб келаётган халқимизга хос қадриятлардан бири — меҳр-оқибат, инсонийлик яққол намоён бўладиган маскандир. Шу боисдан ҳам маҳалла-кўйчиликка асосланган ҳаёт тарзи халқимизнинг қон-қонига, руҳиятига сингиб кетган. Истиқлол йилларида эса маҳалла фаолиятига ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиши самараси ўлароқ, тизим фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгач, унинг жамият ҳаёти ва тараққиётида ижтимоий-сиёсий мавқеи мустаҳкамланди, жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми аниқ белгиланди. Бу тизим янгича мазмун ва қиёфага эга бўлиб, ўзбек маҳалласи — фуқаролик институти сифатида дунёга танилди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида маҳалланинг жамиятдаги ўрни, нуфузи ва мавқеи қуйидаги иборалар аниқ ва яхлит ифода этилган: «Янги жамият бунёдкори бўлмиш янги инсонни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда самарали фаолият олиб бораётган, бу ноёб тузилмани том маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда. Айнан шу инсонларнинг одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, ўз вақтида бераётган амалий ёрдамлари, тўғри ва ўринли маслаҳати туфайли оила ва маҳалла муҳитида, бутун диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бораётганини эл-юртимиз юксак қадрлайди».

Дарҳақиқат, ушбу тизимда ҳаётий тажрибага эга, маҳалласи равнақи ва ободлиги йўлида фаол ва фидойи инсонлар борлиги барча давлат муассасалари, нодавлат ташкилотлар ва сиёсий партияларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими билан ҳамкорлик қилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик режасига асосан, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги фуқаролар йиғинларида «ЎзЛиДеПнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан фаол ҳамкорлиги кенг имкониятлар манбаидир» мавзуидаги давра суҳбатлари ўтказилди.

Давра суҳбатларида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Ушбу ҳамкорликдан кўзланган мақсад маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг иқтисодий соҳага доир замонавий билимларни эгаллаши учун шароит яратиш каби вазифалардан иборат эди. Маҳалла тизими ва партия бу масалаларга чора излаш борасида зарур бўлган бевосита моддий ресурсларга эга эмас. Шундай бўлса-да, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар яратилган. Йиллар давомида шаклланган қонунчилик базаси, кредит муассасалари, турли инфратузилмалар фаолияти, хусусий мулк ва тадбиркорлик кафолатлари — буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг тадбиркорлик билан шуғулланишига, кичик бизнес ривожига ҳисса қўшишига имкон беради, дея комил ишонч билан айтишимиз мумкин.

Мамлакатимизда ўтган йили 630 мингта янги иш ўрини яратилган бўлиб, бу кўрсаткичнинг 65 фоизи кичик бизнес, 20 фоизи эса касаначилик ҳиссасига тўғри келади. Айни кунда фермер хўжаликларида 1,6 миллион нафар юртдошларимиз меҳнат қилмоқда.

Бироқ, тан олиш жоизки, жойларда аҳоли бандлиги муаммоси бор. Лекин ҳеч бир меҳнат тури билан банд бўлмаган фуқаролар орасида боқимандалик кайфиятига берилган, ўзи яшаётган ҳудудда иш жойи бўла туриб, меҳнатдан бўйин товлайдиган кишилар ҳам йўқ эмас. Шу боисдан, тадбиркорлик соҳасида ютуқларга эришган кишилар мисолида, самимий суҳбатлар орқали маҳалладошларда ва айниқса, ёшларда тадбиркорликка қизиқиш ва ҳавас уйғотилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Илғор тадбиркор бўлиш учун инсон ёшликдан ақл-заковатини тоблаб бориши лозим бўлади. Шу жараёнда фойда ва зарарни, ҳалол ва ноҳалолни фарқлайдиган, рақобатнинг моҳиятини англаган кишигина том маънода ҳақиқий тадбиркор бўлиши мумкин. Тадбиркор учун ҳам фаолият ва рақобатда ҳалоллик, ҳушёрлик, синчковлик ва бошқа кўплаб сифатлар талаб этилади. Қонуни четлаб ўтишга уриниш, ғирромлик тадбиркор бўламан деган айрим кишиларнинг фаолиятига зомин бўлаётгани сир эмас. Ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш баҳонасида кредит олиб, маблағни шахсий манфаатларига йўналтирган, оқибатда пушаймон қилган кишилар ҳам йўқ эмас. Давра суҳбатлари чоғида тадбиркорларни айни кунда ташвишга солаётган муаммолар ҳам ўртага ташланди. Хусусан, айрим банк муассасаларида кредит олишдаги муаммолар, чекка туманларда, қишлоқ ҳудудларида пластик карточкаларни муомалага киритиш масаласи қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Шунингдек, бандлик муаммосига барҳам бериш борасида нафақат янги иш ўринлари яратиш, балки фаолияти тўхтаб қолган айрим ишлаб-чиқариш корхоналарининг ишини жонлантириш, янги тармоқларни йўлга қўйиш, банклар томонидан фуқароларга микрокредитлар берилиши борасида фуқаролар йиғинларининг иштироки масаласини ҳал этишини кўриб чиқиш ҳақидаги фикр ва таклифлар билдирилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сиёсий партияларнинг ҳамкорлиги самарали бўлиши учун энг аввало, туман, шаҳар партия Кенгашлари, маҳаллий вакиллик органларига партия ва фуқаролар йиғинлари ҳудудидан сайланган депутатларнинг аҳоли билан яқиндан алоқа ўрнатиши, улар томонидан турли йўналишдаги ташаббуслар ва дастурлар ишлаб чиқилиши лозимлиги эътироф этилди. Умуман олганда, ҳар қандай ҳамкорликнинг асосий шарти — ўзаро манфаатдорликдир. Буни айниқса, тадбиркорлар яхши англайдилар. Худди шунингдек, партиямизнинг фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлигида ҳам икки томонлама манфаатлар кўзда тутилган, яъни маҳаллалардаги давра суҳбатлари ва уларда туғиладиган таклифларнинг ҳаётга татбиқ этилиши орқали биз тадбиркорлар сафини кенгайтиришга эришсак, фуқаролар йиғинлари учун маҳалла аҳлини муқим иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш каби масалаларда янги имкониятлар очилади.

Фахриддин СОЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси.

ЙЎЛИНГ РАВОН — КЎНГЛИНГ НУРАФШОН

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами нишонланадиган жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Айни кунларда инвестиция дастурига киритилган йирик йўл қурилиши объектлари — "Гулистон-Оҳангарон", "Бешбулоқ—Тоғайтемир—Қўрғонтош—Хўжаипок", Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ва Бойсун туманларини боғловчи, автомобилларни Қўқон шаҳрига кирмасдан Андижон вилоятига ўтишини таъминлайдиган автомобиль йўллари ҳамда Урганч ва Беруний шаҳарларини туташтирувчи, Сирдарё вилояти ҳудудида бўй чўзаётган йирик кўприк қурилишларида қурилиш-монтаж ишлари қизғин давом этмоқда.

Йўлсозларимиз Россия, Украина, Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Хитой сингари мамлакатларга элтадиган, Ўзбекистон ҳудудидан ўтган йигирмата халқаро аҳамиятга эга йўналишнинг техник даражасини ошириш ишларини давом эттирмоқда.

Диёримиз шаҳар ва қишлоқларини бир-бири билан боғлайдиган бундай маҳаллий, мамлакат ва халқаро аҳамиятга эга қурилиш объектларини вақтида, сифатли қурилиш метериаллари, айниқса, мустаҳкам темир-бетон конструкциялар билан таъминланаётгани ишни тез ва талаб даражасида бажариш имконини бермоқда.

Бунда "Ўзавтойўл"нинг пойтахтимиздаги темир-бетон конструкциялари тажриба заводи, "Чинозйўлиндустрия" ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари корхоналар жамоаларининг ҳиссаси катта бўлаётир.

Президентимизнинг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган «2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида тармоқдаги узоқ йиллик ҳаракат дастури аниқ белгилаб берилган.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўлларнинг сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, бинобарин, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

"Футболимиз келажаги" республика турнирида

Бугунги кунда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада чекка ҳудудларда жойлашган қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам айни пайтда барча қулайликларга эга спорт иншоотлари ва замонавий ўйингоҳлар мавжуд. Бу эса жойларда ёшларни спортга жалб қилиш ва турли мусобақалар ўтказиш орқали иқтидорли ёш спортчиларни аниқлаш ва камол топтириш имконини бермоқда.

МАЙДОН ТЕКИС, ТЎП ДУМАЛОҚ

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмагида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Футболимиз келажаги" республика турнири мусобақалари ушбу мақсаднинг амалга ошишида муҳим ўрин тутмоқда. Таъкидлаш жоизки, шу кунларда мазкур турнирнинг турли ёш тоифасидаги беллашувлари қизғин паллага кирган. Унда иштирок этаётган ёш футболчилар жамоалари туман, вилоят ва минтақавий босқич ғолиблиги учун майдонда астойдил кураш олиб боришяпти.

Хусусан, яқинда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида ушбу турнирнинг минтақавий босқич беллашувлари ўтказилди. Унда мусобақанинг Қорақалпоғистон Рспубликаси, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Самарқанд ва Сурхондарё вилояти босқичларида 13-14 ёшлилар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган ўсмирлар майдонда ўзаро куч синашди.

Ушбу учрашувларда Жарқўрғон туманидаги Наврўз ва Самарқанд шаҳридаги Бегимайдон маҳаллалари ёш футболчилари биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб, мусобақанинг жорий йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган республика финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

"Футболимиз келажаги" республика турнирининг вилоят босқичларида зафар қучган 13-14 ёшли маҳалла ўсмирлари ўртасидаги худди шундай минтақавий босқич беллашувлари Чирчиқ шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Унда Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан жами 7 та маҳалла футбол жамоалари ўзаро куч синашди.

Босқич якунларига кўра, Тошкент шаҳри Сергели туманидаги Ёшлик маҳалласи футбол жамоаси биринчи, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги Турон маҳалласи ёш футболчилари жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Эндиликда улар мусобақанинг ушбу ёш тоифасида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган республика босқичи беллашувларида майдонга тушади.

Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган ушбу минтақавий босқич ғолибларини тақдирлаш маросимида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов, спорт ва футбол фахрийлари иштирок этди.

Минтақавий босқичларда ғолибликни қўлга киритган жамоалар, чиройли ўйин намойиш этган ёш футболчилар ҳамда ҳакамлар "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимлари ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек, ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Азизбек МУҲАММАДИЁРОВ,
"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви мутахассиси.

Андижон вилояти

АНДИЖОНда ОБСЕРВАТОРИЯ ҚУРИЛАДИ

Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Астрономия институти ташаббуси билан обсерватория қурилиши, тўғриси, кўпчилик учун кутилмаган янгилик бўлди.

Ушбу қурилишни амалга ошириш учун институт маъмурияти ўз ихтиёридаги қиймати 200 минг АҚШ долларини ташкил этувчи телескопни ажратди. 300 миллиметр диаметрли линза ўрнатилган ушбу телескоп-рефлектор эндиликда коинотдаги энг майда объектларни ҳам кузатиш имконини беради.

— Телескоп Боғишамол истироҳат боғи ҳудудидаги энг баланд тепалик устига ўрнатилади, — дейди Ўзбекистон Фанлар Академияси Андижон—Наманган илмий маркази директори, физика-математика фанлари номзоди Мўйдинжон Мўминов. — Мазкур объект қуриб битказилгач, у Андижон Давлат университети ихтиёрига топширилади. Шу билан бирга, ушбу ҳудудда Фарғона водийсида ягона бўлган планетарий қурилиши ҳам мўлжалланган.

Вилоятда қурилиши кўзда тутилаётган обсерватория Самарқанддаги ана шундай мажмуадан кейин республикамизда иккинчи ўринда туради. Китоб кенглик станцияси ҳамда Ҳисор тоғларидаги Майданак обсерваторияси билан биргаликда халқаро миқёсдаги илмий-текшириш ишларини олиб боришга мўлжалланган мазкур муассаса Фарғона водийсидаги барча ўқув юртлари талабалари, олимлар ва соҳа мутахассислари учун илмий изланишлар олиб бориладиган йирик илмий марказ сифатида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

МУХБИРИМИЗ

Тизим ходимлари учун ўқув

МУНОЗАРА — МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЙЎЛ

Маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, аҳолига ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам бериш учун, аввало, маҳалла оқсоқоли ва йиғин мутасаддилари юқори малака ва ҳуқуқий саводхонликка эга бўлиши лозим.

Жойларда бу каби ҳолатлар билан боғлиқ айрим муаммоларнинг вужудга келаётгани тизим ходимларининг билим ва малакасини мунтазам равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Шу боис, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан "Маҳалла зиёси" республика ўқув-услубий маркази томонидан турли ўқув машғулотлари ўткази келинаётир. Хусусан, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг 2008 йилги иш режасига асосан жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари раислари, уларнинг ўринбосарлари, масъул котиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича бош мутахассислар ҳамда бош ҳисобчиларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўқув-семинар машғулотлари ниҳоясига етди.

Мазкур ўқув-семинарларда фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолиятини такомиллаштириш масаласи кун тартибига қўйилди. Қолаверса, тизим доирасида фаолият юритаётган бош ҳисобчилар малакасини ошириш ва иш юритиш тартибини такомиллаштириш бўйича жойлардаги молия бошқармалари мутахассислари, "Маҳалла зиёси" республика ўқув-услубий маркази ходимлари томонидан ўқилган маърузалар ушбу соҳа ходимлари учун фойдадан холи бўлмади.

Баҳодир ҚОСИМОВ,
"Маҳалла" жамғармаси қошидаги "Маҳалла зиёси" республика ўқув-услубий маркази директори ўринбосари.



Она ва бола саломатлиги йўлида

Мамлакатимизда она ва бола саломатлиги, она ва бола муҳофазаси, соғлом авлодни шакллантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Республика ихтисослашган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали фаолияти ҳам айнан шу мақсадга қаратилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу ерда акушерлик-гинекология, ҳомиладорлар паталогияси бўлими, ҳомиладорларнинг ихтисослашган даволаш бўлими, катталар ва чақалоқлар реанимацияси, вилоят репродуктив маркази, консультатив аёллар маркази, чақалоқлар бўлими мавжуд бўлиб, уларда назария ва амалиёт ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилган. Шунингдек, ҳар бир бўлим замонавий тиббий жиҳозларга эга.

Шифо масканида бир вақтнинг ўзида 250 нафар аёлни даволаш имконияти мавжуд. Туғруқхона жаҳон андозаларига мос замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангач, диагностика ва даволаш ишлари янада яхшиланди. Жорий йилнинг ўтган ойларида бу ерда 3280 нафар бўлажак онага тиббий хизмат кўрсатилди.

СУРАТЛАРДА: *янги туғилган чақалоқлар ҳар доим врач-гинеколог Дилфуза Шарипова назоратида;*

1-Республика ихтисослашган Акушерлик ва гинекология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган филиали биноси кўриниши.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ *(ЎзА)* **олган суратлар.**

Кадриятлар қадр топмоқда

Сурхондарё вилояти

ИСТИҚЛОЛдан илҳомланган ЎРОЛ БАХШИ

Инсон ўз ҳаракати ва интилиши орқали кўплаб ҳунарларни ўзлаштириб олиши мумкин. Аммо бу санъаткор бўлиш учун етарли эмас. Эл ардоғига тушиш санъаткордан тинимсиз меҳнат, изланишдан ташқари туғма истеъдод ҳам талаб этади. Халқ оғзаки ижоди намуналарини бирон мусиқа асбоби жўрлигида ижро этувчи санъаткорларни бахши деб атаймиз ва уларни икки тоифага ажратамиз. Устозидан ўрганган достонларни жузъий ўзгаришлар билан айнан куйлаш ижрочи бахшилар учун хос. Ижодкор бахшилар эса халқ достонлари асосида унинг вариантларини, янги достон, қўшиқ ва термаларни яратиб, ижро этадилар.

Қашқадарёнинг Деҳқонобод туманида туғилиб ўсган Ўрол бахши дўмбира чертиб, достон куйлаганда даврадагилар ўзларини санъатнинг сеҳрли оламига тушиб қолгандек ҳис этишади. Унинг отаси Малик Раҳимов чўпон бўлса-да, тўй-тантаналарда қўлига соз олиб, халқ достонлари ва термаларини маромига етказиб ижро этарди. Малик ота ҳозир 88 ёшда, лекин дўмбирасини қўлдан қўйган эмас. Шу боис, муҳлислари санъатга ҳавас ва истеъдод Ўрол бахшига отасидан ўтган, дейишади.

Тақдир тақозоси билан Раҳимовлар оиласи қўшни вилоятнинг Сайроб қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Мунчоқ маҳалласига кўчиб ўтгач, Ўрол бахши Сурхондарё достончилик мактабининг намояндалари билан яқиндан танишди, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаевга шогирд тушди.

Ўрол бахши Термиз қишлоқ хўжалик билимгоҳида ўқиб юрган кезларида Абдураҳим Худойқулов бошчилигидаги «Сумбула» ансамблига қатнашиб, Чехия ва Словакиянинг бир қанча шаҳарларида ижодий сафарда бўлди. 1989 йилда эса «Энг зўр ёш бахши» кўрик-танлови ғолиби бўлди. Ўрол бахшининг репертуаридан «Алпомиш», «Малла бахши», «Авазхон», «Гўрўғли» туркумидаги достонлар билан бир қаторда она-Ватан, эзгулик, дўстлик мавзуларини мадҳ этувчи терма ва қўшиқлар ҳам ўрин олган.

— Истиқлол барча ижодкорлар сингари биз бахшиларни ҳам фаол ижодга ундади, — дейди Ўрол бахши. — «Ватаним», «Ватанимиз — бешигимиз», «Сурхоним», «Ҳурриият», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз», «Алпомишнинг қайтиши», «Дўмбирам» сингари ижод намуналаримни истиқлол бераётган имкониятлардан илҳомланиб яратганман.

Эркин МУҚИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Олам турфа



«ОСМА» РЕСТОРАН

Будапешт шаҳридаги (Венгрия) «Қаҳрамонлар» майдонида 50 метр баландликда «осма» ресторан барпо этилди.

Эндиликда шаҳар аҳолиси ва сайёҳлар ер билан осмон ўртасида жойлашган ушбу ресторанда тамадди қилишлари мумкин. Бунинг учун хўрандалар ресторанга махсус кран ёрдамида кўтариладилар. Ресторанга киргач эса, ҳар бир хўранда махсус шаклдаги ўриндиққа ўтириб, тўртта хавфсизлик камари билан столга боғлаб қўйилади. Бундай столларда бир вақтнинг ўзида 20 нафар киши тамадди қилиш имкониятига эга. 6 нафар официант уларнинг хизматида бўлади.

Ресторан мижозлари бу ерда мазали таомларни татиб кўриш билан бирга, иккинчи махсус кран ёрдамида баландликка кўтарилган мусиқачиларнинг жонли ижроларидан баҳраманд бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

Тошкент вилояти

ҚУМОВУЛ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Қумовул — Ўрта Чирчиқ туманидаги энг йирик қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бири. Йиғин ҳудудидаги 13 та маҳаллада 19 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Истиқлол йилларида Қумовулда кўплаб маъмурий иншоотлар, мактаб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қад кўтарди.

— Янгиҳаёт маҳалласидаги ижобий ўзгаришлар, айниқса, кишини қувонтиради, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эркин Абдуллаев. — Қайта таъмирланиб, ишга туширилган вилоят Маънавият тарғибот марказининг муҳташам саройи, Ер қадастри бошқармаси биноси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари шулар жумласидандир. Намуна маҳалласида иш бошлаган мажмуада эса озиқ-овқат ва канцелярия моллари дўкони, дорихона, аёллар учун «Гўзаллик салони», сартарошхона мавжуд.

Йиғин ҳудудида 7 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 3685 нафар ўқувчи таҳсил олади. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли 2, 9, 53-умумтаълим мактаблари капитал таъмирдан чиқарилиб, 54-умумтаълим мактаби биноси янгидан қурилди. Шунингдек, ушбу таълим муассасаларида ўқувчиларнинг билим олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

— Узоқ йиллар давомида мактабда ўқувчиларга сабоқ берганман, — дейди Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раъно Исмоилова. — Ўшанда чиройли ва шинам мактабларда ишлашни орзу қилардик. Ҳозир маҳалламизда шундай мактаб барпо этилди. Ахир бундан қувонмай бўладими? Шунингдек, мустақиллик байрами арафасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини ҳам ишга туширишни режалаштирганмиз.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,
«Mahalla» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Бундан ярим аср муқаддам Мўйноқ туманидаги Учсой посёлкаси аҳолиси Орол денгизидаги портда хизмат қилар ёки балиқчилик билан шуғулланарди. Бахтга қарши, денгиз ўз соҳилидан қарийб 200 километр ортга чекингач, учсойликлар ҳам касбларини ўзгартиришга мажбур бўлишди.

УЧСОЙЛИКЛАР КАСБИНИ ЎЗГАРТИРДИ

Гап шундаки, эндиликда овул ҳудудидаги «Устюртгаз» унитар корхонаси томонидан бурғуланган 27 қудуқдан кунига 300 тонна, йил давомида эса 2 миллиард куб табиий газ қазиб олиниб, тегишли объектларга узатилмоқда.

— Газ қазиб олиш ва узатиш билан шуғулланаётган овулдошларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз, — дейди Учсой овул фуқаролар йиғини раиси Бибигул Ержонова. — Хусусан, «Экосан» халқаро ташкилотининг ёрдами билан 4,5 километр узунликда сув қувури тармоғи тортилди. Натижада мураккаб экологик шароитда яшаётган 236 хонадон аҳли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Мўйноқ шаҳри билан овулимиз оралиғидаги 13 километрлик йўл реконструкция қилинди. Шунингдек, 7 та оилага чорва моллари сотиб олиш, қурилиш ишларини амалга оширишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Айни пайтда овулимизда шифо маскани, 3 та дўкон аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

«Mahalla»да маҳаллалар ҳаёти

Сирдарё вилояти

НАМУНАнинг намунали фаолияти

Етти йил давомида Гулистон шаҳридаги Намуна маҳалласида масъул котиб бўлиб ишладим. 2006 йилда эса маҳалладошларим ишонч билдиришиб, мени йиғин раиси этиб сайлашди. Тўғрисини айтсам, дастлаб бундай масъулиятли вазифани бажаришга киришишдан бироз чўчидим. Ишни нимадан бошлашни билмай бошим қотганди. Бироқ маҳалламизнинг собиқ оқсоқоллари Райим ака Мирзаев ва Ваҳоб ака Пўлатовлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, менга барча масалаларда ёрдам беришди, маслаҳатларини аяшмади.

Дастлаб маҳалламизнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси билан йиғин ҳудудида истиқомат қилувчи 5700 нафар аҳолининг турмуш шароитини яхшилаб ўрганиб, кўп болали оилалар, фарзандини ёлғиз тарбиялаётган оналар, ногиронлар ва ўзгалар парваришига муҳтож фуқароларнинг рўйхатини тузиб чиқдик.

Эҳтиёжманд фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш зиммамиздаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу боис айни пайтда маҳалламизда болаларнинг 2 ёшга тўлгунга қадар нафақаси ҳамда кам таъминланган оилаларга белгиланган нафақаларнинг ўз вақтида бериб борилиши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, барча байрамларда ночор оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга совғалар улашамиз.

Намунада 3762 нафар ёш истиқомат қилади. Уларнинг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, касб-ҳунарга йўналтириш, жиноятчилик ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги тадбирлар ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ҳамда «Маҳалла пособони» жамоат тузилмасининг иш режасига киритилган бўлиб, унинг ижроси доимий назоратга олинган.

Маҳаллада ёшлар ва хотин-қизларни уй меҳнатига жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиб, касаначиликни ривожлантиришга Шарофат Юсупова, Ҳафиза Маҳкамова ва Дилшод Эгамқулов каби тадбиркорлар катта ҳисса қўшмоқдалар. Хуллас, фаолиятда ҳам маҳалламиз номига муносиб равишда намуна бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

Санобар ТУРСУНОВА,
Намуна маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Жиззах вилояти

Жиззах туманидаги Абдураҳмон Эшонқулов раҳбарлик қилаётган "Адир садоси" номли фермер хўжалиги тўрт йил муқаддам Нурота тоғ тизмаси этагидаги қир-адирдан 75 гектар ерни ўзлаштириб, дастлаб 19 центнердан ҳосил етиштирган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 38 центнерга кўтарилди, ғалла ҳосилдорлиги эса уч ҳисса ортди.

Фермер хўжалиги жамоаси ўзлари яшаётган Куёвбоши қишлоғида ўтган йили 6 миллион сўм маблағ сарфлаб ичимлик сув муаммосини ҳал этдилар. 4 миллион сўм эвазига сақлаш минораси қурилиб, қишлоқ хонадонларига узатиш қувурлари тортилди. Эндиликда қишлоқдаги 102 нафар хонадон, болалар боғчаси тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Айни кунларда "Адир садоси" жамоаси бу йилги пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш мақсадида агротехник тадбирларни бекаму кўст бажариш билан бирга, йиғим-теримга ҳам пухта ҳозирлик кўришяпти.

СУРАТДА: *"Адир садоси" фермер хўжалиги раҳбари Абдураҳмон Эшонқулов.*

Келдиёр ХЎЖАҚУЛОВ олган сурат.

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар-а...

АЙЛАНМА ЙЎЛДАГИ ОҒУ

Андижон шаҳридаги машҳур «Жаҳон бозори» доимо гавжум жойлардан. Чунки бу бозорга аҳолиси анчайин зич бўлган Андижондангина эмас, балки водий шаҳар ва туманлари, ҳаттоки Қирғизистоннинг Жалолобод, Ўш вилоятларидан ҳам сотувчию харидорлар келиб туришади. «Одам оласи ичида», деганлар тўғри айтишган экан. Бўлмаса, шундай серқатнов жойда жамият учун энг хавфли жиноятлардан бири содир этилганига ким ҳам ишонар эди. Лекин бозор ёнида турган оқ рангли «Нексия»ни қуршаб олган йўловчилар буни ўз кўзлари билан кўришди.

Машина ёнида ўттиз ёшлардаги ҳомиладор аёл ва икки йигит бошини ҳам қилганча туришар, фуқаро кийимидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари эса керагидан ҳам кўп гувоҳлар шоҳидлигида машина салони, юкхонасини кўздан кечиришар эди. Машинанинг олд ўриндиғи тагидан топилган бир ўрам ўткир ҳидли, кўринишидан «героин» гиёҳвандлик воситасига ўхшаш кукунсимон модда холисларга кўрсатилганда, атрофни ўраб турганлар гап нимадалигини тушуниб, бошларини маънодор чайқашди...

Шу куни бозор ёнида кўпчиликнинг эътиборини тортган воқеа жараёнида гиёҳвандлик воситалари контрабандаси ва ноқонуний савдосига қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ўтказилган тезкор тадбир муваффақиятли якун топган эди. Гумондорлардан олинган кукунсимон модда текшириб кўрилганда 77 грамм вазнли «героин» гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланди.

Тергов-суриштирув тадбирлари, кейинчалик суд жараёнида аниқланишича, Андижонда фош этилган бу жиноятнинг илдизи қўшни Қирғизистонда бўлган. Тезкор тадбир натижасида қўлга олинган Қирғизистон фуқаролари Нурилло Нормирзаев, Гулхумор Собирохуновалар эр-хотин экан. Уларнинг жиноий шериги эса Андижон шаҳрида яшовчи Санжар Холматов бўлиб чиқди. С.Холматов Нурилло билан 2007 йил ёзида Ўш вилоятининг Қорасув туманида бўлиб ўтган тўйлардан бирида танишиб қолган эди. Фақатгина танишув эмас, балки жиноий битишув ҳам бўлди ўша куни. Келишувга кўра, Н.Нормирзаев гиёҳвандлик воситаларини Қирғизистондан чегара орқали яширинча ўтказиб, Андижон шаҳрига келтириб берадиган, Санжар эса уларни шу ерда хуфиёна пуллайдиган бўлди. Бу хатарли ишга, афтидан шубҳа уйғотмаслик учун Н.Нормирзаевнинг хотини ҳам жалб қилинди. Гиёҳвандлик воситаларини эса Ўш вилоятининг Қорасув туманида яшовчи «Ҳотам» деган кимсадан сотиб олишадиган бўлди. Шундан кейин учовлон биргалашиб, қўшни давлатдан айланма йўллар орқали гиёҳвандлик воситаларини келтириб, Андижонда пуллай бошлашди. Лекин енгил даромад кетидан қувган бу гуруҳ фаолиятидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари хабар топган, уларнинг жиноий фаолиятига чек қўйиш бўйича чора-тадбирлар бошлаб юборилган эди.

... Ўша куни уяли телефон орқали Санжар билан гаплашган Н.Нормирзаев кўчага чиқиб, бир соат чамаси йўқ бўлиб кетди ва қўлида бир ўрам билан қайтиб келди. Эр-хотин Қорасув туманининг чегара ҳудудида жойлашган Суратош маҳалласидаги айланма йўллар орқали Хўжаобод тумани Манак қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янги Фарғона маҳалласига ўтиб келишди. Чегарадан яширинча ўтиб олиб, кўнгли жойига тушган эр-хотин Санжарга қўнғироқ қилиб, учрашув жойи, вақтини келишишди. Хўжаобод туманидан Андижон шаҳри «Жаҳон бозори»даги «Ҳожи ота» (топган жойларини қаранг) ошхонасига етиб келдилар. Улардан сал кейин Санжар ҳам пайдо бўлди. У аввал «дори»ни «тортиб» кўргандан кейингина пулини беришга рози бўлди. Нурилло ўзи шу ергача кийими орасида яширириб олиб келган гиёҳвандлик воситасини хотинига берди. Гулхумор эса Санжарнинг ортидан бориб, унинг машинасига ўтириб, «героин»ни бераётган вақтда қўлга олинди. Шубҳа уйғотмаслик учун «мол»ни ҳомиладор хотинидан бериб юборган Н.Нормирзаев ошхонада уларни кутиб ўтирган вақтида ушланди.

Ўтказилган тергов жараёнида учала оғуфуруш ҳам айбини бўйнига олиб, тавба-тазарру қилишди. Суд мажлисида кўз ёши қилган Г.Собирохунова бир ярим яшар фарзанди борлиги, рўй-рост кўрсатмалар бериб, терговга кўмаклашганини инобатга олиб, енгилроқ жазо беришларини сўради. Қизиқ, оналик масъулиятини бемаврид эслаб қолган бу аёл Қирғизистон билан Ўзбекистон ўртасида бўзчининг мокисидек қатнаб, ўзи ташиб келтирган «героин» билан қанча-қанча андижонлик оналарнинг фарзандларини заҳарлаб келганини билармикан? Қачонки, дўппи тор келиб қолгандагина норасида қизи кўзига кўриниб қолибди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди судланувчиларни Ўзбекистонга ноқонуний кириб келиш, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш ва контрабанда қилиш жиноятларини содир этганликда айбдор, деб топиб, Н.Нормирзаевни 11 йилу 6 ой, С.Холматовни 11 йил, Г.Собирохуновани 7 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этди. Суд Г.Собирохуновани бир ярим яшар фарзанди борлиги, ҳомиладорлигини эътиборга олиб, инсонпарварлик тамойилидан келиб чиққан ҳолда жазо муддати ўташни 3 йилга кечиктириб, уни Қирғизистонга чиқариб юборишга ҳукм қилди.

Афсуски, гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилиш, ноқонуний олиб-сотишдек оғир жиноятда аёл кишининг ҳам иштирок этгани юқоридаги ҳодиса билан якун топмайди. Яқинда жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судида кўрилган жиноят иши бўйича судланаётган 6 нафар шахсдан 5 нафари аёл киши эди. Аёллардан 3 нафари Ўш шаҳрида яшовчи Қирғизистон фуқаролари бўлиб чиқди. Аниқланишича, жиноий гуруҳ аъзолари Қирғизистонда сотиб олинган «героин»ни айланма йўллар орқали республикамиз ҳудудига олиб ўтиб, фойда олиш мақсадида қимматроқ нархларда сотиш билан шуғулланиб келишган. Гиёҳвандлик воситаларини эса улар «Алишер», «Динара», «Иброҳим» деган қирғизистонлик шахслардан сотиб олишган.

Гуруҳ етакчиларидан бири Шаҳзода Мамажонованинг судда кўрсатма беришича, у дастлаб қўшни давлатга темир-терсак олиб бориб сотиб юриб, у ердаги аёллар билан савдо алоқалари ўрнатган. Кейинроқ эса шерикларнинг иштаҳалари очилиб, темир-терсакдан келаётган даромад уларни қониқтирмай, хавфли бўлса-да, «каттарок» ишга қўл уришган. 50 граммдан то 100-130 граммгача «героин»ни кийимлари орасига ёки аёллар сумкасига жойлаган устомонлар атрофдагиларда шубҳа уйғотмагани учун оғу савдоси юришиб кетди. Қирғизистондан келтирилаётган гиёҳвандлик воситалари эвазига Андижондан Ўзбекистон сўми, АҚШ долларида катта-катта маблағлар ноқонуний равишда чегарадан ўтказилиб, Ўшдаги корчалонлар чўнтагига бориб тушарди. Иш шунгача бориб етдики, «мол»ни келтиришга пул бўлмай қолган ҳолларда аёлларнинг тилла тақинчоқлари ҳам уларнинг тили билан айтганда, «оборот»га киритиб юборилди.

Жиноий гуруҳ аъзоларидан бири бўлган Ўш шаҳрида яшовчи Қирғизистон фуқароси Зулфия Масардинованинг судда айтишича, 2007 йилнинг июнь ойида моддий жиҳатдан қийналиб турганда оғуфурушликка уни қўшниси Барно Аҳмедова тортган. Уйидан чиқаётиб унинг қўлига бир тугунча берган Барно «Кийимингиз орасига яширириб олинг, сўраганимда берасиз» деди. Айланма йўллар орқали Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасидаги истироҳат боғига келгандагина Б.Аҳмедова ундан «омонат»ни олиб, бир даста пул билан ҳозиру нозир бўлган Ш.Мамажоновага топширган. Қисқаси, Б.Аҳмедова ундан «тирик жомадон» сифатида фойдалана бошлаган эди. Шуниси қулай-да, керагида ёнида олиб юради, хавф-хатар туғилганда эса бемалол ташлаб қочиш ёки «танимайман», деб тониб кетиш ҳам мумкин.

Лекин бу мулоҳазалар ўша топда Зулфиянинг хаёлига ҳам келмас, биринчи сафар учун олган 75 доллар хизмат ҳақи уни бу ишга қизиқтириб қўйган эди. Кейинроқ эса Барно унга 2 та тилла узук берди. Бир куни уйига меҳмонлар келиб қолганини баҳона қилиб, ундан бир ўзи Андижонга «мол» етказиб беришни сўради, эвазига иккала узукнинг пулидан кечиб юборишни ваъда қилди... Вақтида эс-ҳушини йиғиб олмаган З.Масардинова шу тариқа жиноий даромад топиш йўлига кириб кетди.

Яхшики, жиноий гуруҳнинг қора кирдикорлари узоққа бормади. Кўрилган тезкор чоралар натижасида жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди. 2007 йилнинг 23 август куни «Ўш — Андижон» йўналишида ҳаракатланаётган «Тико» русумли хусусий такси Хўжаобод тумани ҳудудидаги 45-сонли жамоатчилик кузатуви масканида тўхтатилганда салонда ўтирган аёл негадир безовталана бошлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари унинг ёнини кўздан кечириш мақсадида маскан биносига таклиф қилишганда яширилган «касал»ни иситмаси ошкор қилиб қўйди. Йўловчи аёл сумкасидан чиқарган тугунчани жон-жаҳди билан дарахтлар орасига улоқтирди... Наргиза Абдиллаева Ўш шаҳридан яшириб, авайлаб олиб келаётган тугунчасини нима учун кераксиз буюмдек ташлаб юборгани сабаби тергов жараёнида аён бўлди. Чунки ўша куни эрталаб қўшни давлат фуқароси Б.Аҳмедовадан 900 АҚШ долларига сотиб олган 100 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаси эндиликда унинг кўзига текин даромад манбаи эмас, балки бало-қазодек кўрина бошлаган эди.

2007 йил 25 сентябрь куни Хўжаобод туманининг Манак қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Баҳодир Зокиров бошқарувидаги «Тико» автомашинаси Андижон шаҳрининг «Боғишамол» даҳасидаги 32-сонли милиция масканида тўхтатилди. Автомашинада ўтирган жиноий гуруҳ аъзоларидан бири Гулбаҳор Абдураҳмонованинг сумкасини кўздан кечириш жараёнида чегаранинг нариги томонида Б.Аҳмедовадан сотиб олиниб, айланма йўллар орқали вилоят марказига олиб келинаётган 100 грамм миқдордаги «героин» гиёҳвандлик воситаси топилди. Оғуфурушлар гуруҳининг қолган аъзолари ҳам қўшни давлат билан чегарани айланма йўллар орқали ноқонуний кесиб ўтаётган вақтида бирин-кетин қўлга олиндилар.

Суд ҳукмига кўра, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини чет давлатдан контрабанда қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган Шаҳзода Мамажонова ва Баҳодир Зокировлар 11 йилдан, Гулбаҳор Абдураҳмонова эса 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Суд ажримига кўра, Қирғизистон фуқаролари Б.Аҳмедова, З.Масардинова, Н.Абдиллаеваларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳаракатдан тўхтатилди ва қўшни мамлакат фуқароларини Қирғизистонга чиқариб юборишга қарор қилинди.

Енгил даромадни кўзлаб, мамлакатимиз ҳудудига заҳри қотил ўтказиш билан шуғулланиб келган қирғизистонлик аёлларга бағрикенглик қилинди, ўнгланиш учун имкон берилди. Улар хатоларини англаб етиб, тўғри йўлга қайтишармикан? Буни энди вақт кўрсатади.

К.ҚОДИРОВ

Спорт оламида

СУРАТДА: *теннисчимиз, "Олимпиада — 2008" иштирокчиси Оқгул Омонмуродова*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш бахти

XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси спорт делегацияси Пекинга жўнаб кетди. Спортчиларимиз анъанага мувофиқ мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

...Ўзбекистон спорт делегацияси Пекинга жўнаб кетиши муносабати билан пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда спортчилар, мураббийлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Пекинда ўтадиган Олимпиада ўйинларида 58 нафар олимпиадачимиз юнонрум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, таэквондо (ВТФ), оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, трамполин, велоспорт-шоссе, сузиш, академик эшкак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби ўн беш спорт тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Beijing 2008

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбирлари.

Форум кучлиларни чорлади

"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси ҳамкорлигида "Ёшлар ва спорт" мавзусида ёшлар форуми ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шайимқуловлар форумни очар экан, "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида олиб борилаётган ишлар ҳамда ёшларимиз учун яратиб берилаётган имкониятлар кўлами янада кенгайишини таъкидладилар.

— Ўтказилаётган ушбу форум ёшларимиз учун катта имконият яратмокда, — дейди Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси президенти Сардор Тошхўжаев. — Негаки, юртимизда кучли, иқтидорли йигит-қизлар жуда кўп. Уларни спортнинг қайси турига, йўналишига қизиқишига қараб саралаб олиш, биз учун айни муддао.

Маълумки, спортнинг кикбоксинг тури Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб оммалашди. Бугунги кунга келиб эса, кикбоксинг АҚШ, Недерландия, Россия, Украина, Хорватия, Эрон давлатлари қатори Ўзбекистонда ҳам ривожланиб бормокда. Бундан 10 йил муқаддам кикбоксинг федерацияси тузилгач, Шокир Зокиров, Адҳам Рашидов, Равшан Ғафуров, Даврон Қодиров каби тажрибали мураббийлар қўл остида Олмос Юсупов, Алишер Абдуллаев, Дилноза Арзиматова, Темур Муҳаммаджонов, Мамат Тўхтамишов сингари жаҳон чемпионлари етишиб чиқди. Бу галги форумда саралаб олинган спортчилар ҳам халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади.

Тошкент шаҳри
МУХБИРИМИЗ

Жаҳон чемпионининг орзулари

Швейцариянинг Сент-Галлен шаҳрида ICSC – Халқаро заиф эшитувчилар шахмат қўмитаси таснифида шахмат бўйича ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида Тошкент юридик коллежи ўқувчиси Сирожиддин Зайниддинов биринчи ўринни эгаллаб, ўсмирлар ўртасида иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлди.

Пойтахтимиздаги 106-махсус мактаб-интернатда аъло баҳоларга ўқиган Сирожиддин шахмат сирларини 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида янада чуқурроқ ўргана бошлади. Бунда унга отаси – асли касби шахмат мураббийси бўлган Саврон ака, устози Эргаш Мажидов яқиндан ёрдам кўрсатди. Сирожиддиннинг қатъияти, иродаси, мақсад сари интилувчанлиги муваффақиятлар омили бўлди. У дастлаб шаҳар, сўнгра мамлакат биринчиликларида зафар қозонди.

2004 йили Сирожиддин Германиянинг Маленте шаҳрида ICSC таснифида ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб бўлди. Ўшанда С.Зайниддиновга Президентимизнинг совғаси – замонавий компьютер топширилганида ёш шахматчининг ота-онаси, устозлари, дўстлари, бутун маҳалла аҳлининг қалби қувонча тўлди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.



Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЬБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Кейинги вақтда ўзингизни тутишингиз атрофдагиларга ёқмаяпти. Буни ўзингиз ҳам сезиб турибсиз, аммо бироз ўжарлигимга чидашсин-чи, дея яқинларингизнинг сабр-тоқатини синаяпсиз, гўё.

СИГИР(22.04-20.05)

Ҳордиқ чиқаришга ҳар доимгидек кўпроқ эҳтиёж сезмоқдасиз. Чарчоқни чиқаришнинг энг яхши усули — дилтортар дўстлар даврасида, табиат қўйнида дам олиш.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Янги режалар ва ташаббуслар билан чиқиш, уларни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлар сизнинг ҳаловатингизни олгани аниқ. Руҳий ва жисмоний зўриқиб қолишдан сақланинг.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Яқин кунларда кўнгилли харидлар қилишингиз, яқинларингиз меҳрига қонишингиз учун имкониятлар етарли. Фурсатдан унумли фойдаланиб қолинг, ҳаётдан завқланинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Майда ва арзимас юмушларингизни тезда битказиб олганингиз маъқул. Чунки яқин кунларда ҳеч бир юмушга улгурмайдиган даражада банд бўлишингиз эҳтимоли бор.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ишингиз, яқинларингиз билан муносабатингиз бир маромда кечмоқда. Бундай сокинликни бузишга сабаб бўладиган бирон воқеа рўй беришини истамасангиз, ҳамма нарсада меъёрга амал қилинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Касбдошларингиз билан қизғин мунозаралар, учрашувлар сизга кўтаринкилик бахш этади. Янги танишлар орттиришингиз, қадрдон дўстларингиз билан дийдорлашувлар ҳам шу ҳисобда.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Уй-рўзғор юмушлари, фарзандлар тарбияси билан боғлиқ ташвишлар оғушида кунингиз қандай ўтганини сезмай ҳам қоляпсизми? Бу ташвишлар орасида ҳордиқ чиқаришга фурсат топсангиз маъқулроқ.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Агар хонадонингизда таъмирлаш ишларини режалаштирган бўлсангиз, бунинг учун энг қулай фурсат етди. Нисбатан камроқ маблағ харжлаган ҳолда яшаш жойингизни янгича қиёфага киритишингиз мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Узоқ-яқин жойларга сафарлар, тижоратга оид келишувлар, расмий учрашувлар... Яқин кунлардаги фаолиятингизни бу-ларсиз тасаввур қилолмайсиз.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Кўтаринки кайфият ва ғайрат-шижоат шу кунларда сизнинг энг яқин ҳамроҳингизга айланади. Сиз улгурмайдиган, эплолмайдиган ишларнинг ўзи бўлмаса керак. Шундай экан, олга!

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Турмуш ўртоғингиз билан баҳслашиб қолишингиз эҳтимоли йўқ эмас. Бефойда тортишувга берилмасдан, яхши китоб топиб мутолаага ружу қўйганингиз оила муҳити учун фойдалироқ бўлади.

Тарихдан тарақча

ИМПЕРАТОР учун ШИША ТАХТ

ёхуд шишасозлик тарихи хусусида

Ўрта Осиё ҳудудида шиша тайёрлаш эрамиздан аввалги II минг йилликлардан бошланган. Буни қадимий жойларда олиб борилган археологик қазишмалар давомида топилган ашёлар ҳам тасдиқлайди. Аждодларимиз маиший турмушда шиша буюмлардан кўп фойдаланган. Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қува, Ахсикент, Хоразм, Поп, Пойкент сингари шаҳар харобаларидан турли ҳажмдаги, рангдор шиша буюмлар ва тақинчоқлар кўплаб топилган.

Эрамизнинг бошларига келиб, шишасозлик анча тараққий этди. IV-V асрларда ҳунармандлар шишадан зебзийнатлар, асбоб-ускуналар, найча, кўзача, дераза ойналари ва бошқа буюмлар ясашни, уларга безаклар бериб, нақш солишни ўзлаштириб олганлар. Тарихий манбаларда милоддан аввалги 424 йилда юртимиз ҳудудидан Хитойга борган усталарнинг маҳаллий халқни шишасозлик сирлари билан таништирганликлари, шишадан император учун махсус тахт ясаб берганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

IX-X асрлардаёқ Мовароуннаҳр сифатли шишалари билан дунёга донг таратган эди. Археологик қазишмалар чоғида юртимиз ҳудудидан топилган қадимий шиша намуналари жаҳоннинг машҳур музейларида сақланмоқда. Улар тарихчи-олимлар учун шишасозлик ва ҳунармандчилик тарихини ўрганишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Илк ўрта асрларда шарқда шишадан ясалган тақинчоқларнинг баҳоси анча юқори бўлган. Тарихчиларнинг фикрича, юртимизда шишасозликнинг энг тараққий этган даври VIII-XII асрларга тўғри келади. Бу даврда дераза ромлари учун сифатли ва ҳар хил рангдаги ойналар, рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, дори-дармон солинадиган идишлар, кимёвий тажрибаларда ва тиббиётда ишлатиладиган шиша асбоблар ҳам ясалган. Пойканддаги VIII асрга мансуб дорихона харобасидан топилган турли ҳажмдаги шиша идишлар, колбалар бу ерда аҳолига дори-дармон тайёрлаб берилганидан дарак беради.

Ахсикентдан топилган шиша идиш парчалари ҳам диққатга сазовордир. Бундай шиша идишлар Қува, Риштон ва Поп ҳудудларидан ҳам кўплаб топилган. XI асрда қурилган Термиз-шоҳлар саройи харобаларидан эса рангдор ойнадан ясалиб, қуш ва отлиқ тасвири туширилган, гулли безаклар билан ишлов берилган шиша медальон топилган.

Ўрта Осиёда шишасозлик мўғуллар истилоси даврида анча суст ривожланган бўлса, Темур ва темурийлар даврида қайтадан жонланди. Бу даврда меъморчилик ҳам анча равнақ топиб, қурилаётган сарой, мадраса, масжид ва мақбараларга рангдор ойналар ишлатила бошланди. Машҳур испан элчиси Клавихо ўз эсдаликларида Самарқанднинг муҳташам иморатларида рангли шишалар ишлатилганлиги ҳақида ёзади. XIV асрда бунёд этилган Шоҳруҳия қалъаси харобаларидан шишасозлик устахоналари топилган.

Ўрта асрларда аҳолининг шиша буюмларга бўлган эҳтиёжи ортиши билан бирга шишасоз ҳунармандларнинг маҳорати ҳам анча такомиллашди. Улар нафис, тиниқ ва рангли шишалардан қадаҳ, узунчоқ кўзалар ва бошқа буюмлар ясашни ўрганиб олдилар. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳунармандлар ўз маҳсулотларини ташқи бозорларга ҳам чиқара бошладилар. Шунингдек, бу даврда ранггa бўялган кичик ҳажмли дераза ойналари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси, Чиннихона, Мирзо Улуғбек қасри, Шаҳрисабздаги Оқсарой сингари меъморий обидаларда ана шундай рангли ойналар ишлатилган.

Қадимда шиша бўлаклари билан тахтача ва лавҳаларнинг юзи безатилган, майолика ва мозаикалар ишланган. Бунинг учун ҳунармандлар пуфлаш ва қолиплаш усулларидан фойдаланишган.

Қадимда юртимиз ҳудудида тайёрланган шишаларнинг таркиби кимёвий ва технологик жиҳатдан ўрганилганда уларнинг кўриниши, сифати дунёнинг бошқа мамлакатларида ўша даврда ишлаб чиқарилган шишалардан бутунлай фарқ қилиши аниқланган. Демак, Ибн Сино ва Беруний ўз асарларида Мовароуннаҳр шишаларига бежиз юқори баҳо беришмаган.

Демак, қадимий ва ўрта аср ҳунармандларининг ютуқлари замонавий шишасозлик саноати ривожига асос бўлган, деб айтиш мумкин. Ҳозирги кунда республикамизда дераза ва автомобиль ойналари, шиша идишлар ишлаб чиқарувчи Қувасойдаги «Кварц» акциядорлик жамияти, Ғазалкент ойна заводи ишлаб турибди. Истиқлол йилларида «Фармгласс», «Медгласс» сингари фармацевтика ва медицина соҳалари учун махсус шиша идишлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ишга туширилди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Доноларнинг дурдона фикрлари

Тил ширинлиги — кўнгилга ёқимлидир; мулойимлиги эса — фойдали. Чучук тил аччиққа айланса, кўпчиликка зарари тегади; қанддан май тайёрланса, ҳаром бўлади. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир; болалар учун мулойим табиатли одам ҳалвофуруш каби севимлидир.

Алишер НАВОИЙ

Мен ўткир ақл-фаросатли ёки аҳмоқ, кучли ёхуд ожиз бўлиб туғилмоқлик ўз ихтиёримизда эмаслигини тан оламан. Аммо бундан ҳатто ўтириш ёки сайр қилиш каби оддий хатти-ҳаракатлар ҳам бизга боғлиқ эмас эканда, деган хулоса ясовчилар қаттиқ янглишадилар.

ЦИЦЕРОН

Икки нарса инсонни тез адо қилади: бири — аҳмоқлик, иккинчиси — ахлоқсизлик. Баъзилар умрни асрашни билмагани боис, айримлар эса буни истамаганлари учун ҳалокатга юз тутадилар.

Балтасар ГРАСИАН

Ўрни келганда ҳақиқатни айтмаслик яхши эмас. Бу нарса ўзингни ҳам, ўзгаларни ҳам таҳқирлаш демакдир. Бироқ лаёқат ёки ҳуқуқ бўлмаганда ҳақиқатни айтмаган маъқул.

ГЕГЕЛЬ

Тўқилмаган ҳангома

"ТЕЛЕФОН менга ЁВ бўлди, болам..."

Муслима момо 86 ёшда. Оёқдан қолганига анча бўлган, ўтиравериб зерикади, ёнига кимдир келса-ю, бироз гурунг қилиб, кўнглининг чигилини ёзиб олишга доимо интиқ.

Бунинг устига, кексайиб, кўнгли нозиклашиб қолган. Баъзида йўқлаб келган фарзандлари, невара-чевараларини койиб беради-да, сўнг дили хижил бўлиб юради.

Одатда ҳар куни эрталаб нонуштадан аввал ҳол сўрагани момомнинг олдига кираман. Йиғиб қўйган қанд-қурсларидан беради. Бисотидаги бор яхши ниятларини айтиб дуо қилади.

— Момо, яхши ухлаб турдингизми? — дея кириб бордим бу гал ҳам.

— Яхши, болам. Бери ке... — момом сирли бир гапдан мени воқиф қилмоқчи бўлгандай, имлаб чақирди. — Ёнимга ўтир, — у овозини пастлатиб сўради: — Айланай, телефонингни бериб тур-чи?

Ҳайрон бўлиб узатдим. У ёқ-бу ёғини айлантириб қаради.

— Болам, бу одамнинг яна неча йил умр кўришиниям кўрсатадими?..

— Ҳа, йў-ўқ! Бунда фақат гаплашса бўлади. Ичида радиоси бор, қўшиқлари бор, расмга туширади... бўлди.

Момом бошқа ҳеч нарса демади. Шу куни укамга ҳам шундай савол бераётганини эшитиб, обдон сўрадим:

— Шу телефон бошимга ёв бўлди-да, айланай, — деди момом куйиниб. — Қиличжон дўхтирни айтаман-да, телефонининг бир жойини босган эди, ичида ўзимни кўрдим. Тағин ўша телефони яна икки мучал умрим борлигини айтибди. Оёқдан қолганимга анча бўлган бўлса, шу ҳолимда яна икки мучал яшайманми?!

Гап қаёқда эканини кейин тушундим. Қилич дўхтир момомнинг кўнглини кўтариш учун "ҳийла" ўйлаб топган экан...

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Ажабо!..

ЁҒОЧДАН ЯСАЛГАН КОМПЬЮТЕР

Москва мебеллар музейи қошидаги устахонанинг уста-ҳунармандларига ажойиб буюртма келиб тушди.

Гап шундаки, буюртмачи усталарга ёғочдан компьютер ясаб беришларини сўраб, мурожаат қилган. Усталар дастлаб бу буюртмани қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида кўп ўйлаб, ниҳоят рози бўлишди. Қисқа фурсатда «ёғоч» компьютер ҳам тайёр бўлди.

Компьютер система блокининг корпуси, монитор, клавиатура ва сичқонча — буларнинг ҳаммаси қизил ёғоч ва яна бошқа қимматбаҳо дарахт бўлакларидан ясалди.

Кўпчиликни ёғочнинг тезда қизиб кетиши мумкинлиги хавотирга солаётган эди. Бироқ мазкур компьютер бир кеча-кундуз давомида ишлатиб кўрилганда, ҳеч қандай носозлик кузатилмади. Усталар ушбу компьютернинг нархини ва буюртмачининг исмини ошкор қилишмаяпти.

Маълумки, ҳозирга қадар Швециянинг SWEDX ва Олмониянинг HolzKontor компаниялари ёғоч телевизор ва монитор, клавиатура ва сичқончалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Россиялик усталар эса компьютер система блокини ҳам ёғочдан ясашга муваффақ бўлишди.

Олмониянинг Шлосс Хольте-Штюкенброк шаҳридаги ҳайвонот боғида 3 та оқ рангдаги шер болалари томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

ОҚ РАНГЛИ ШЕР БОЛАЛАРИ

Бундан бир ой илгари ҳайвонот боғида 7 та оқ шер боласи дунёга келган эди. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, улардан бири нобуд бўлди. Қолганларини эса боғ ходимлари икки гуруҳга тақсимлашди. Ҳозирда уларнинг 3 тасини ходимлар сунъий равишда овқатлантириб, парваришлашмоқда. Қолган учтаси эса онаси билан қолдирилди.

Тошкент шаҳар Миробод тумани Мирсолихова кўчаси 48 уй яшовчи Рахимова Барно Исматовна номига берилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянную круглую печать выданний ГУП "Саноатэнерго" считать недействительным.

Собрание кредиторов ГУП "Саноатэнерго" на своем собрании, которое состоится 14.08.2008 г. утверждает оценочную компанию для оценки имущества предприятия. Желающим участвовать просим обратиться по адресу — г.Ташкент С.Рахимовский р-н ул. Чангалзор-Мавзук-3. Телефон – 1572575.

Утерянное свидетельство 043143 от 01.06.2001 г. выданный Управлением статистики г. Ташкента на СП "БОТ" считать недействительным.

Утерянный патент за номером 08-01822 (реестр 0803065) выданный 01.08.2003 г. Чиланзарским хокимиатом г.Ташкента на имя Абдумуминова Абдуллажон Абдулахатовича считать недействительным.

Утерянные кадастровые документы выданные 07.12.2007 г. на имя Джанибековой Рано Носировны на земельный участок и на здание торгового комплекса по адресу — г.Ташкент Юнусабадский р-н, 8-квартал под номерами TS 0006140, TA 0370889 соответственно считать недействительными.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: **Ҳамза Абдуллаев**
Мусаҳҳиҳ: **Муҳайё Боймуродова**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **236-53-93**
Тел/Факс: — **233-44-25**
Масъул котиб: **236-53-75**
Котибият — **236-55-69**
Хатлар бўлими: **236-57-62**

2008 йил 6 август 32 (634)

11951 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-720 Топширилди — 23.50
1 2 3 4 6